Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 16 ноябрь, пайшанба. №140. ( 21.903) Сотувда эркин нархда.

## РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

**ШТУТГАРТ. (ЎзА махсус мухбири Аҳмад ХЎЖА хабар қилади).** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 ноябрь куни Германия Федератив Республикасининг Штутгарт шаҳрига келди. Ўзбекистон ва Германия, шунингдек, Баден-Вюртемберг ери байроқлари билан безатилган Штутгарт аэропортида юксак мартабали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов 15 ноябрь куни Германиянинг «СЛ» меъморлик конструкторлик компанияси томонидан ишланган «Имом Ал Бухорий мақбараси» мажмуи лойиҳаси билан танишди. Маълумки, мазкур компания буюк аллома мақбарасини бунёд этиш бўйича ўтказилаётган халқаро танловда иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбари «АББ» концерни раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Сўнг ўзбекистонлик меҳмонлар «Янги қаср» қароргоҳига йўл олди. Бу ерда Ислом Каримов Баден-Вюртемберг ери Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Дитер Шпёри билан суҳбатлашди.

Мулоқот вақтида Ўзбекистон билан Германия, хусусан, Баден-Вюртемберг ери ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани қайд этилди. Унинг истиқболлари хусусида фикр юритилди.

«Саламандер» ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифати билан оламга машҳур. Мамлакатимиз раҳбари ана шу концерн раҳбарларини қабул қилиб, уларга Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида гапириб берди.

Сўнг Ислом Каримов Баден-Вюртемберг ери Бош вазири ўринбосари Д. Шпёри ҳамроҳлигида «Даймлер Бенц» концернининг Штутгарт-Мёрингемдаги қароргоҳига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари концерн раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан «Даймлер Бенц» концерни ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш хусусида битим имзоланди. «Линден музей» — Баден-Вюртемберг ерининг энг нуфузли маданий марказидир. Бу ерда «Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кўргазмасининг расмий очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Роман Герцог ҳамроҳлигида қадим тарихимиз ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмани кўздан кечирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Германияга расмий ташрифи давом этмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида:*

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ваколатхоналарни, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштиришда фойдаланиладиган биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг биноларини қуриш учун ер участкаларини республикадаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларга уларнинг ўз мулки қилиб сотишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги икки ҳафта муддат ичида Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда амалдаги қонунчиликни ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 ноябрь.

## ПРЕЗИДЕНТ ДАЪВАТИГА ЖАВОБАН

Яқинда республикамиз Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир гуруҳ вакиллари билан учрашиб, мамлакатимиз фанини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига илмий жамоатчилик диққатини тортди.

Кеча Ўзбекистон ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий жамоасининг юртбошимизнинг учрашувда сўзлаган нутқи ва ундан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур учрашув иштирокчилари Ўзбекистон ФА Иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлими раиси, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. Ҳикматов ва ФА президиуми аъзоси, академик Ш. З. Ўразаев давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан олган таассурот ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Институт директори Абдулҳафиз Жалолов илмий маскан ходимлари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Институт илмий жамоаси мамлакатимиз раҳбариятининг илм-фан, унинг муҳим таркибий қисми — ижтимоий фанлар, фалсафа ва ҳуқуқ илми, хусусан, Шарқ фалсафаси ва сиёсий-ҳуқуқий фикрларини ўрганиш ва шу асосда ҳамда замонавий умумбашарий қадриятлар руҳида миллий маданиятимизни равнақ топтиришга доир маслаҳат, йўл-йўриқларини ўзига тўла тааллуқли, деб ҳисоблайди. Шунингдек, республикамизнинг бошқа илм-фан даргоҳларида хизмат қилаётган файласуф ва ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларини мувофиқлаштириш, фанимизнинг шу соҳаларига раҳнамолик қилиш масъулияти ҳам ушбу жамоа зиммасига юклатилган.

Йиғилишда сўзга чиққан институт олимлари — файласуфлар ва ҳуқуқшунослар миллий мустақиллик туфайли яратилган шарт-шароит, очилган имкониятлар ва давр талабларига жавобан илмий изланишлар, йўналиш ҳамда мавзуларини жиддий тарзда ўзгартириш, диссертациялар тайёрлаш, китоблар, рисола ва мақолалар нашр этиш режаларини янгилаш, долзарб мавзуларда конференциялар, семинарлар, турли мулоқотлар ўтказиш ниятида эканликларини изҳор этдилар.

Аммо, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи файласуф ва ҳуқуқшунослардан илмий изланишларни янада кучайтиришни, жаҳон маданияти ва маърифатига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг улкан илмий меросини замонавий тадқиқотлар билан бойитишни, мустақил Ватанимизнинг юксак маънавиятини яратишга муносиб ҳисса қўшишни талаб қилмоқда.

Йиғилишда илмий жамоанинг яна шу соҳада яқин келажакда қиладиган ишлари, аниқ режалари белгиланди, илм-фан соҳибларининг мавқеини мустаҳкамлаш, обрўйини оширишга қаратилган таклифлар киритилди.

**С. ШЕРАЛИЕВ.**

*«Обуна — 96»*

## МАЪНАВИЯТНИ УЛУҒЛАГАН ЖАМОАЛАР

Муборак газни қайта ишлаш заводининг мамлакатимиз саноати ривожида салмоқли ҳиссаси бор. Корхона бир йилда 25 миллиард кубметр газни қайта ишлайди.

— Ҳозир қишга тайёргарлик кўряпмиз. Яқинда қўшимча блокларни ишга тушурамиз, — дейди завод директори, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг аъзоси Нуриддин Зайниев. — Биз ишчиларимизнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, касбларини пухта ўзлаштиришлари билан бир қаторда кундалик ҳаётимизга оид янгиликлардан бохабар бўлиб боришларини истаймиз. Шу сабаб завод маъмурияти ҳар йили 10 га яқин газета-журналларга обуна бўлади. Куни кеча 250 нафар ишчи-хизматчимизни корхонамиз ҳисобидан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна қилдик. Бу фақат ҳозиргача бўлган кўрсаткич. Жамоамиз ишчи-хизматчилари орасида мазкур газеталарга обуна бўлишни хоҳловчилар сони ортиб боряпти.

Шу мавзуда Муборак газ конлари бошқармасининг бош муҳандиси Панжи Аллоқулов билан ҳам суҳбатлашдик.

— Ҳар йили обуна масаласига ўзгача ёндашамиз, — деди у. Ахир ҳар қандай иқтисодий қамровда ҳам маънавиятдан ажралиб қолмаслигимиз керак. Шу маънода 150 кишини «Ўзбекистон овози» ва яна 150 кишини «Голос Узбекистана» газеталарига обуна қиляпмиз.

**Илҳом КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ВАТАН

**Ватан — гулдир, Ватан — шамолдир,**
**Тушларимни тинглаган ирмоқ.**
**Ватан шеърдир, Ватан — хаёлдир, —**
**Бойчиборлар сув ичган булоқ.**

**Бир армонки, кўксимга тўлиб**
**Кўзларимда акс этган жола.**
**Ўйин билан овора бўлиб**
**Онасига тўймаган бола.**

**Йўқ, аслида Ватан қуёшдир**
**Иситгувчи ҳаммани бирдай.**
**Тоғлар—тоғмас, зўр ёрилтошдир**
**Мен пойига тиз чўкиб йиғлай.**

**Бу ўлкада Алпомиш билан**
**Барчинойнинг ўғли, қизи бор.**
**Гул юзида титраркан шабнам,**
**Демак — бахт бор, демак — севги бор.**

**Бўш кўнглимни шамол тўлдирар**
**Мен туғилган уйнинг исига.**
**Илтифоти шунчалик бўлар —**
**Андижоннинг битта қизига.**

**Теракларга талпиниб баъзан**
**Бўйларим ҳам, сочларим ўсди.**
**Қари толлар недандир мулзам**
**Нажот сўраб менга қўл чўзди.**

**Олай дейман толлар дардини**
**Юрак қурғур мисдек қизийди.**
**Шу тупроқнинг ҳар бир гардини**
**Кўзларимга суртсам арзийди.**

**Бесаранжом кўнглимга малҳам**
**Чўли ироқ нолаларидир.**
**Атиргулнинг тиканлари ҳам**
**Шу Ватаннинг болаларидир.**

**Вужудимнинг бўлаги десам**
**Мен шеър ёзган бир парча қоғоз.**
**Сиз қизғанманг, жон қадар суйсам —**
**Ватан менга бобомдан мерос.**

**У мезбондир, дунёни кутган —**
**Омонатлар тандаги жоним.**
**Қучоғимни гулга тўлдирган**
**Ватан — менинг Ўзбекистоним!**

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.**

*Бу дунёнинг ишлари*

### ГОРБАЧЁВА ХОНИМ БЕКОРГА УРИНГАН ЭКАН-ДА

Собиқ СССРнинг собиқ Президенти Михаил Горбачёвнинг Абхазиянинг Мюссерск қишлоғидаги дала ҳовлиси бугунга келиб Россия ихтиёридан Абхазиянинг ўзига берилди. Илгари биринчи номерли давлат дала ҳовлиси деб аталган бу комплексдан 1990 йилгача фойдаланиб келинган эди. Ўша даврда Михаил Горбачёвнинг рафиқаси Раиса Максимовна бу ердаги бош иншоотни уч марта қайта қурдириб, таъмирлатганди. Бироқ Горбачёва хоним бекорга уринган экан.

№ 1 давлат дала ҳовлиси яқин-яқинларгача Россия Федерацияси ихтиёрида бўлиб, мамлакатнинг тегишли хизматлари томонидан қўриқланар, бунинг учун анчагина пул маблағи ҳам сарфланарди. Дастлаб давлат дала ҳовлисидаги барча махфий қурилмалар ва алоқа воситалари Россияга олиб кетилгандан сўнг бу комплекс яқинда Абхазия ҳукуматига топширилди. «Бу дала ҳовлисидан қандай мақсадда фойдаланмоқчисизлар» деган саволга Абхазия ҳукумати вакилларидан бири «Биз Борис Николаевичга соғлиғини мана шу жойда тиклашини таклиф этмоқчимиз» деб жавоб берди.

### ТУТҚИЧ БЕРМАС ҚАРОҚЧИЛАР

Ҳиндистоннинг жанубидаги Карнатаки ва Тамилнаду штатлари чегарасидаги ўрмонда 17 йилдан буён бир гуруҳ қароқчилар одамлар тинчлигига хавф солиб келмоқдалар. Бу йиллар давомида полиция ва қароқчилар ўртасидаги тўқнашув натижасида 130 нафардан зиёд бегуноҳ киши қурбон бўлди. Қароқчилар бошлиғи Вираппан ўз тўдаси билан икки штат чегарасидаги қишлоқлар аҳолисини бор-будини шилиб олмоқда. Ўзига қарши бўлганларни эса турли қийноқларга солиб ва ҳатто бошини танасидан жудо қилмоқда. Қароқчилар макони қалин ўрмонда бўлиб, полициячиларнинг кетма-кет ўтказган операциялари натижасиз қоляпти. Вираппан ҳақида икки штат қишлоқларида турли миш-мишлар ҳам кўпайиб кетган. Ҳатто Бомбейдаги кинорежиссёрлардан бири тутқич бермас каллакесар ҳақида фильм яратишга ҳам ахд қилди. Полиция эса уни ва бошқа қароқчилар тўдасини йўқ қилиш юзасидан бир қатор чоралар кўряпти. Лекин яқин вақт ичида бирон натижага эришиш чамаси гумонга ўхшайди.

**(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**

*ОНА-ЮРТИМ КЕНГЛИКЛАРИДА.*

## МУҲИМ СИЁСИЙ МАВСУМ

*Партиямиз қуйи бўғинларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди*

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия қўмитаси қарорига биноан партиямизнинг қуйи бўғинлари — партия гуруҳлари, цех ва бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди.

Ушбу тадбирнинг ЎзХДП фаолияти ва келажаги учун муҳим эканлигини ҳисобга олиб, партия вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлари унга пухта тайёргарлик кўрдилар. Уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар ижроия бюро йиғилишлари ҳамда фаоллар маслаҳат кенгашларида кўрилиб, мавсумни рисоладагидек ўтказиш режалари тузилди, семинарлар ўтказилди, услубий тавсиялар ишлаб чиқилди, маҳаллий газеталарда мақолалар эълон қилинди, ХДП аъзолари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Натижада, ҳисобот-сайлов йиғилишлари белгиланган муддатларда бошланган Бухоро, Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида мажлислар партиямиз аъзоларининг фаоллиги, юксак сиёсий-ташкилий савияда ўтмоқда.

Уларда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда партиямиз аъзоларининг ўрни ва уларнинг ушбу жараёнга қўшаётган ҳиссаси, бошланғич ташкилотларимизнинг мавқеи ва фаолияти, давлат ҳокимияти вакиллик идораларига 1994 йилнинг декабрида ўтказилган сайловларга тайёргарлик мавсумидаги иштироки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб ва уни ҳаётга тадбиқ қилишдек кўплаб долзарб масалалар таҳлил этилиб, камчиликлар аниқланмоқда, навбатдаги вазифалар белгиланмоқда.

Айни пайтда, ҳамма жойда ҳам йиғилишлар истагандек ўтаётир, деб бўлмайди. Айрим ХДП аъзолари мажлис кун тартибидаги масалалар муҳокамасида фаоллик кўрсатмаяптилар, нуқсонларни очиб ташлаш, долзарб муаммоларни ўртага қўйишда ташаббускорлик суст бўлган ҳоллар ҳам учрамоқда. Партиямиз маҳаллий кенгашлари йиғилишлар боришини таҳлил қилишга шошилмаяптилар.

Бу ишда мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш ҳисобот-сайлов мавсумини талаблар даражасида ўтказиш учун муҳимдир.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.**

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» – ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

**Фуқаролар учун**
**бир йилга — 1086 сўм,**
**олти ойга — 543 сўм.**

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

**Корхона ва ташкилотлар учун**
**бир йилга—1210,80 сўм,**
**олти ойга — 605,40 сўм.**

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

**Фуқаролар учун**
**бир йилга — 876 сўм,**
**олти ойга — 438 сўм.**

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

**Корхона ва ташкилотлар учун**
**бир йилга — 1211 сўм,**
**олти ойга — 610 сўм.**

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

## МАҲСУЛОТ СЕРОБ, ХАРИДОР-ЧИ?

Отангга бор, онангга бор қабилидаги хатти-ҳаракатлар ёхуд ҳамдўстлик мамлакатлари билан мол айирбошлашдаги у ёки бу узилишлар Навоий вилояти саноат корхоналарини боши берк кўчага киритиб қўймоқда. Ачинарлиси, минг бир машаққат билан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг оймаой тўпланиб қолаётганидир. Масалан, цемент заводи ҳовлисида ҳозир 50 минг тоннадан зиёд цемент тўпланиб қолган. Худди шундай электрлашган кимё, машинасозлик заводларида ҳам кўплаб тайёр маҳсулотлар харидор кутиб ётибди. Айниқса, Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги аҳвол кишини ниҳоятда ташвишлантиради. Бирлашмадаги «Нитрон» заводи бир ойдирки, тўла қувватда ишлай олмаяпти. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехлари деярли тўхтиб қолган. Чунки истеъмол моллари ҳам, сунъий нитрон толаси ҳам бирлашма омборларида қалашиб ётибди.

Хўш, нега шундай? Нима учун тайёр маҳсулотлар ўз харидорини топмаяпти?! Сабаби фақат битта — маҳсулотлар нархи ошмоқда. Бу эса харидорлар сонини муттасил камайтирмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бирлашма жамоаси ҳам бугунги кунда фақат минерал ўғитлар тушуми ҳисобидан яшаб турибди. Чунки азот, аммиак селитра қишлоқ хўжалиги экинлари учун ниҳоятда зарур. Бу ўғит турлари қанча қиммат бўлса-да хўжаликлар раҳбарлари уни сотиб олишга мажбур. Сунъий нитрон толаси, сульфат аммоний ва халқ истеъмоли моллари эса хўжаликлар учун у қадар зарур эмас.

Масаланинг яна бир нозик томони-нитрон толаси ишлаб чиқариш учун каустик сода, платинали сетка, радионистий — натрий хом ашёлари сув билан ҳаводек зарур. Афсуски, қани бу хом ашёлар? Аслида улар Россия ва Украинадан катта-катта харажатлар ҳисобига келтирилади. Агар бунга божхона ва темир йўллар хизматини ҳам қўшадиган бўлсак, бу хом ашёлар нақ олтинга тенг. Бунинг устига электр, газ, иссиқлик таъминотини ҳам қўшсак, аҳвол беш бармоқдек аён бўлади - қолади. Шунинг учун ҳам харидор бирлашмадан, унинг қиммат- қирон маҳсулотидан юз ўгирмоқда.

Вазият шу хилда давом этаверса, нафақат нитрон толаси ва халқ истеъмоли моллари, эртага минерал ўғитлар ҳам харидорсиз қолиши ҳеч гап эмас. Қиссадан ҳисса шуки, Навоий вилояти саноат корхоналарига, жумладан «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасига амалий мадад ниҳоятда зарур. Бу ҳақда Ўзбекистон кимё саноати уюшмасидаги мутасадди ўртоқлар жиддий ўйлаб кўришлари лозим. Акс ҳолда яра газак олиб кетадиганга ўхшайди.

*Луқма*

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ИСЛОҲОТ — ДАВР ЭҲТИЁЖИ

***Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Мавлон РАҲМОНОВ билан суҳбат***

**— Мавлон Раҳимович, у ёки бу вилоят ҳақида гап кетганда даставвал мавзу қишлоқ хўжалигига келиб тақалади. Бунинг боиси бор. Чунки мамлакатимизда аҳолининг асосий кўпчилиги қишлоқ жойларда яшайди. Бугунги кунда қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи дейилиши ҳам бежиз эмас.**

— Тўғри гапни айтдингиз. Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқлоли ва истиқболига ишонч руҳи билан ўктам қадам ташлаётган бухороликлар ҳам қишлоқда ислоҳотларни изчил амалга оширишга киришганлар. Бусиз тараққиётга эришиб бўлмаслигини ҳозир кўпчилик тушуниб етмоқда. Шу боис улар республика ҳукуматининг иқтисодиётни ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама юксалтириш ва шу орқали меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини самарали меҳнатлари билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Мана, қадоқ қўлли деҳқонларимизни олайлик. Улар бу йил она-Ватан хирмонига 350 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этиб, давлатга пахта сотиш йиллик режасини шараф билан уддаладилар. Ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олинди. Пахтанинг 83 фоизи юқори навларга сотилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа соҳаларида ҳам ўз самарасини кўрсатди. Мева, узум, гўшт ва сут маҳсулотлари ўтган йилга нисбатан анча кўп етиштирилди. Белгиланган 60 минг гектар майдонга кузги дон экиш барвақт якунланиб, ҳозирги пайтда майсалар агротехника асосида парвариш қилинмоқда. Умуман, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни кенг ёйиш борасида вилоят ҳокимлиги узоқни кўзлаган ҳолда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Дейлик, қишлоқда мулкчилик шаклларига алоҳида эътибор бериляпти.

**— Дарвоқе, ҳозирги пайтда мулкчиликнинг хилма хил шакллари пайдо бўлаяпти. Масалан, жамоа, оилавий, ижара ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналар ва шу кабилар. Айтинг-чи, сиз хусусий мулкнинг устиворлигига қандай қарайсиз?**

— Ҳақиқатан ҳам эркин рақобат бор жойда доим силжиш, ўсиш бўлади. Собиқ тузум даврида эса рақобатга, янгиликка йўл берилмасди. Шу боис қанчадан-қанча пухта ўйланган ғоялар амалда ўз инъикосини топмасдан қолиб кетарди. Мулкка муносабат бизда мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин бутунлай ўзгарди. Ҳукумат дастури асосида халқ хўжалигининг турли соҳаларида мулкчиликнинг янги шакллари бўй кўрсата бошлади. Уй-жойлар ўз эгаларига хусусийлаштириб берилди. Биз ҳам бу жараёндан четда турганимиз йўқ. Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни тезкорлик билан амалга оширилиши туфайли ер, чорва, мулк, техника ўз эгасини топяпти.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ўтган тўққиз ой мобайнида вилоятдаги 7625 гектар мевазордан 4992 гектари ёки 66 фоизи 2384 оилага, 8672 гектар узумзордан 4122 гектари 2018 оилага хусусийлаштириб берилди. Худди шунингдек, 789 гектар сабзавот, 307 гектар полиз ва 245 гектар картошка майдони ижарага берилди.

Мевазор ва узумзорлар хусусий мулк қилиб берилгандан кейин уларга муносабат тубдан ўзгарди. Етиштирилаётган маҳсулот сифати ва ҳосилдорлиги ошди. Нобудгарчиликнинг олди тўлиқ олинди. Кўпчилик жамоаларда етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ва қишда заҳирага сақлаш бўйича талай ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари вилоятимиздаги 145 та сут-товар фермасидан 134 таси хусусийлаштирилди. Уларда бугунги кунда 59 минг бош қорамол боқилмоқда.

Мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиб ишлаётган фермаларда моллар маҳсулдорлиги сезиларли даражада ошди. Масалан, Бухоро туманидаги Амир Темур номли ҳиссадорлик жамиятида моллар сони жорий йилнинг бошида 24 бошга камайган бўлса-да саккиз ой ичида 17 тонна кўп сут етиштирилиб, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 83 килограммга ошди. Шунингдек, Вобкент туманидаги «Чорвадор» ҳиссадорлик жамиятида моллар сони 40 бошга камайган бўлса-да, сут соғиб олиш 14 тоннага, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут эса 73 литрга ошди. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 96-сонли қарори бўйича вилоятда сотилиши лозим бўлган 31 та чорвачилик фермасининг дастлабки баҳоси 53749 минг сўм бўлиб, 70853 минг сўмга сотилди.

Вилоятда иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, халқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни мунтазам таҳлил қилиб, ушбу жараён сусткашлик билан олиб борилаётган соҳаларни атрофлича ўрганиш, жойларда юзага келган камчилик ва қийинчиликларнинг олдини олиш чораларини белгилаш, давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар ва уларнинг кейинги фаолиятида қонунчиликдан чиқмаган ҳолда зарурий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, агросаноат мажмуида, айниқса қишлоқларда товар ишлаб чиқарувчиларнинг янги тузилмаси вужудга келтирилмоқда. Майда товарлар ишлаб чиқариш сектори кенгаймоқда, фермер-деҳқон хўжаликлари сони ортмоқда.

Бозор иқтисодиётининг навбатдаги босқичида шаҳар ва туманларда акциялаштириш ишлари кенг тус олди. Жорий йилнинг ўтган ойларида рўйхатга олинган 245 та очиқ турдаги акционерлик жамиятининг 157 таси шу йил мобайнида янгидан ташкил этилди. 88 таси эса ёпиқ шаклдаги жамиятдан очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди. Тўққиз ой мобайнида, жойларда 34 та кимошди савдоси ва очиқ савдолар ўтказилди. Савдога жами 300 объект қўйилиб, 25,3 миллион сўм миқдоридa ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларга сотилди. Ундан ташқари, 180 та ер участкаси кимошди савдосида сотилган бўлса, Бухоро шаҳрида умумий майдони 2 гектарни ташкил этган ер участкаларини аукционда сотиш бўйича ҳужжатлар тайёрланди ва бошланғич нархи 13 минг 200 сўмни ташкил этган 60 та ана шундай ер участкаларининг ҳар бири 28-29 минг сўм атрофида сотилди. Шу билан бир қаторда бир қанча меҳмонхоналар, савдо, маиший хизмат идоралари, қурилиши тугалланмаган объектлар, қўйингки уларнинг барчаси ўз эгаларига хусусийлаштириб берилди.

Аммо бу борада олиб борилаётган ишлар кўламини ҳали ижобий деб бўлмайди. Шу боис бугунги кунда барча ҳокимлар, хусусийлаштириш бошқармалари раҳбарлари эътиборини камчиликларни тугатишга, бу борада белгиланган вилоят дастурини бажаришга, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга қаратдик. Кимошди савдосининг самарасини ошириш, мулкни ҳақиқий эгасининг қўлига бериш келгуси тараққиётимизнинг асосини ташкил этади.

**— Мавлон Раҳимович, қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик ва ўрта, хусусий бизнесни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида вилоятда қандай ишлар қилинмоқда?**

— Бу борада биз алоҳида ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб бормоқдамиз. Бугунги кунда вилоят ҳудудидаги жамоа хўжаликларида 1274 та ёрдамчи кичик корхона ишлаб турибди. Шу боис 7480 киши янги иш ўринлари билан таъминланди. Шу жумладан, 17 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, 60 та тикувчилик цехлари, 86 та ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар, 33 та гилам-поёндоз тўқиш цехи, 23 та балиқчилик ҳавзалари ва бошқа кўплаб ёрдамчи тармоқлар бор. 1995 йилнинг иккинчи ярмида яна қўшимча 66 та ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилди. 344 кишига янги иш ўринлари яратилди. Мазкур тармоқлар томонидан 16 миллион 456 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Аммо, биздаги имкониятга нисбатан булар ҳали жуда кам.

Амалга оширилган аграр ислоҳотлар, қишлоқ жойларида саноат корхоналари, қайта ишлаш тармоқларининг барпо этилиши туфайли қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми саккиз ой ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоизга ўсди. Йил бошидан буён барча тизимдаги хўжаликлар томонидан 43 минг тоннага яқин гўшт, 171 минг тоннадан зиёд сут, 41 миллион донага яқин тухум етиштирилди. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмида аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган гўшт 77 фоизни, сут 78, тухум 76 фоизни ташкил этаётгани аграр сектордаги ислоҳотларнинг ижобий натижасидир.

Давлат тасарруфида бўлмаган иқтисодий сектор бу йил давомида ўз ривожини топди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шу йилнинг ўтган 8 ойида 1141 та тадбиркорлик корхонаси томонидан 638,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва турли хизматлар кўрсатилди. Тадбиркорлик корхоналарида 20 минг 700 киши иш билан банд. Тадбиркорликни ривожлантириш вилоят бўлимининг дастурига асосан, шу йилнинг ўзида яна ана шундай корхоналардан 1000 тасини тузиш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг 882 таси рўйхатдан ўтказилди. Ундан ташқари, 1994-95 йиллар мобайнида кичик корхоналар ва фирмалар томонидан 16 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган цехлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг 5 июль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашда қишлоқ жойларида ислоҳотларни жадаллаштириш, айниқса саноатни олиб кириш, кичик ва ўрта, хусусий бизнесни ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бу бежиз эмас. Акс ҳолда эртага қишлоқ аҳолисининг, айниқса ёшларнинг асосий қисми ишсиз қолиши мумкин.

Бизда бу борада имкониятлар сероб. Ҳар бир қишлоқ тумани билан ёнма-ён шаҳарлар, саноат корхоналари жойлашган. Фақат ишлаш, тинимсиз ҳаракатгина яхши натижа бериши мумкин. Биласизми, қишлоқдаги ислоҳот ўша ердаги одамлар онгининг ўзгаришига боғлиқ.

**— Кичик саноат ва қўшма корхоналарнинг, ҳиссадорлик жамиятларининг вилоят иқтисодиётидаги ўрни ҳақида фикрингиз?**

— Ҳозир саноат ишлаб чиқаришида, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда иккинчи босқич бошланди. Ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини таҳлил этиб кўрадиган бўлсак, «Зардўз», «Бухоротекс», «Бухороқоракўл», «Олтин бошоқ», Исмоил Фозилов номли, «Трансэкспедиция», «Бухорогўшт», «Ёғочни қайта ишлаш корхонаси» каби бир қатор ҳиссадорлик жамиятлари ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш даражасини пасайтирмай, барқарор ишлаб турибдилар. «Бухорогўшт» ва «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятлари 1994 йил якунлари асосида ўзларининг акционерларига 1 сўмлик акцияга 2 сўм ҳисобида даромад бердилар.

Капитал қўйилмаларнинг асосий қисми иқтисодиётни таркибий қайта қуришни таъминлайдиган ва вилоятнинг иқтисодини мустаҳкамлаши лозим бўлган ёнилғи-энергетика саноати ва сув хўжалиги қурилишини ривожлантиришга йўналтирилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Қисқа даврда бир неча миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, узунлиги 94 чақиримли нефть қувури ва бир неча ўн вагонларга нефть қуйиш ғовлари (эстакадаси) ишга туширилиб, бир қатор муҳим объектлар қурилиши ниҳоясига етказилди. Шу билан бир қаторда биз чет эл капиталини вилоят иқтисодиётига жалб қилишдек муҳим ишга қўл урдик. Бугунги кунда Бухоро шаҳрида Жанубий Корея, Греция, Италия, Болгария, Исроил, Афғонистон, Туркия давлатлари фирмалари билан ҳамкорликда 23 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилди, уларнинг 10 таси бугунги кунда ишлаб турибди. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ташқи иқтисодий фаолият бирмунча кенгайди. Хорижий сармояларни жалб қилиш жараёни тезлашди. Ҳозир мазкур қўшма корхоналар томонидан рангли телевизорлар, телефон аппаратлари, ипак гиламлар, трикотаж ва тайёр кийимлар, қоракўл ва мўйнамомиқ пальто, ярим пальтолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бир қаторда вилоятимизда бир қанча йирик янги ишлаб чиқариш корхоналари ва қувватлари барпо этилди. Булар жумласига Бухоро шаҳрида йилига 430 минг квадрат-метр пардозлаш плиталари ишлаб чиқарувчи «Минокор» қўшма корхонаси, 30 минг квадрат-метр мармар плиталари ишлаб чиқарувчи заводнинг биринчи навбати, 7000 рақамли телефон-автомат станцияси, 2 та умумий қуввати 7,9 тонна нон ишлаб чиқарадиган Германиянинг «Винклер» фирмаси жиҳозлари ўрнатилган кичик нон цехи, Когон туманидаги «Бухороқурилишматериаллари» ҳиссадорлик жамиятида йилига 650 минг тонна гипс тоши ишлаб чиқарувчи йирик қувватлар, Когон шаҳридаги ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасида кунига 8 тонна совун ишлаб чиқарувчи цехлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**Суҳбатдош:**
**Соҳибжон САЛИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.**

*Истиқлол ва истиқбол*

*Ўзбекистон газчилари.*

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

*Бугуннинг гапи*

# ШАХСИЙ ҚАДРИЯТ ҚАЁҚДАН ПАЙДО БЎЛДИ?

***ёхуд республика солиқ ва божхона хизмати томонидан ўтказилган текширувларда аниқланган фактлар ҳақида ўйлар***

Биринчи мисол: Ургут шаҳрида яшовчи И.Азизов ва Х.Алиевлар ноқонуний равишда ҳеч қандай ҳужжатсиз сифати шубҳали 1516 дона Хитой ароғини сотишаётганда ушланди. Суд қарори билан уларга 1450 сум жарима солиниб, моли мусодара қилинди.

Биринчи изоҳ: Бу ҳол ягона эмас. Инсон танини заҳарловчи бу елим шиша Хитой ароқларию, расво латта-путталар диёнатсиз савдогарларимиз томонидан контрабанда йўли билан келтирилиб, аҳолига сотилмоқда.

Иккинчи мисол: Мирзаобод туманилик У.Шералиев республикамизда ишлаб чиқарилган ва дуконларда ўз нархида сотилиши лозим бўлган 70 шиша «Жигули» пивоси, 40 шиша Тошкент минерал суви, 76 дона «Тархун» ичимлигини қонунга хилоф равишда сотаётганда ушланиб, унга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Иккинчи изоҳ: Бунақа «ишбилармон»ларни Тошкентнинг «Отчопар» бошқа бозорларда, вилоятлардаги бозор ва гузарларда учратиш мумкин. Улар тўлаётган жарима ва бошқа жазо чораларига қарамай бу машғулотдан воз кечишни истамаяптилар. Хусусан, давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан кўча савдоси бўйича ўтказилган 564 текширувда республикада ишлаб чиқарилган 308 та молни ноқонуний тарзда сотиш ҳолати аниқланди.

Яъни, текширилган «тадбиркорлар»нинг 60-70 фоизи молни дукондан олиб кўчада сотиш — чайқовчилик билан шуғулланмоқда.

**МУЛОҲАЗА:**

Бугун баъзилар учун пул, бойлик ёки шахсий қадриятга айланиб уларни топиш эса яшаш мазмунини касб эта бошлади. Мабодо, бу жараён охирига етсаю қалбларда шахсий қадрият якка ҳукмрон бўлиб қолса — инсоф, диёнат, андиша, ҳалолни ҳаромдан, яхшиликни ёмонликдан фарқлаш, илм эгаллаш ва бошқа умуммиллий қадриятларимиз бу қалбларга қайтармикин?..

Шахсий қадрият «топган» кимдир «ҳа.., бунга ҳаёт мажбур қиляпти-ку» дейиши тайин. Эҳтимол, яна беш-ун кишига бу тўғри бўлиб туюлар ҳам. Баҳслашиб ютирмаймиз — улар ўзларича ҳақ. Уларнинг қалбини шахсий қадрият эгаллаб олгган. Шу боис бандасининг гапини қабул қилмайдилар, қилолмайдилар. Вақт деган буюк ҳакам, ҳаёт деган улуғ муаллим уларга ўз фикрини тушунтира олишига умид қилиш билан чекланамиз. Бугун кичкина фарзанди тарбиясини унинг ўзига ташлаб, бозорма-бозор юрган она, уқувчи боласини дарсга юбориш ўрнига чайқовга, кўчада ҳар бир текширувчидан писиб ёки «келишиб» пиво, минерал сув сотиб уйга пул олиб келишга ургатаётган ота эртага фарзанди вояга етиб «бир кунда тусатдан ноқобил» бўлиб қолганидан пушаймон бўлиб қолмаса бас.

Келинг, сизга бир қария билан суҳбатимизни айтиб берай. У кишининг исми Саврон бобо. Ёши 90 га яқинлашиб қолган, Самарқандниг Қувакалла деган тоғ қишлоғида яшайди. Бу қишлоқ шўролар давригача Бухоро амирлигига қараган. Демак, бобо амирлик даврини ҳам ўз кўзи билан кўрган.

— Мана шу қирлардинг барига бувдой экарийдик. Кейин ҳасил пишгач, бувдойпоялари янчиб бувдойини тозалоб гала хирмонга уйиб қўйорийдик. Ҳазирги дўхтирхонанинг жайи гала хирмонийди.

Мен сурадим:

— Бугдой ўзларингизникимиди? Ўзларингизники бўлса, нега тўғри уйга ташиб олмай хирмонга тўкардингизлар?

У киши жавоб бердилар:

— Бувдой ўзимизники бўгони билан солиғи борийди-да — ҳасилдинг тўртдан бирийди. Шуни тўламай ҳеч ким бувдойини уйига тошиб оп қўймасийди. Амирликнинг ҳақи дегувчи эдик. Ҳамма бувдойини янчиб, тозалаб бўлгач ун-ун беш кундан сўнг бек ёрдамчиси дарга билан келиб ҳосилни улчаб солиқ солиб кетарийди.

Яна сурадим:

— Бугдой гала хирмонда бир ойлар ётса ўғирлаб кетишмасмиди, қоровули бормиди?

Бобо нега буни сураётганимни дарров тушунди:

— Қоровул борийди. Лекин, у мол-пол бувдойди авара қилмасин учун қўйиларди. Бувдойди ўғирламасийди ҳеч ким — худодан қўрққан бўлса керакда одамлар. Бунинг устига кўпдинг нарсаси.

Мана, бобонинг айтиб берган гаплари. Бировнинг ҳақидан, ўғирликдан ҳазар, хонадони остонасидан ичкарига, бола-чақасига бир тишлам бўлса ҳам фақат ҳалол — боши очиқ луқмани олиб келиш едириш деган қадрият мужассам уларда.

Ҳозир кимдир ўша даврдан кўра хароброқ, муҳтожроқ яшаяпман деса ишонманг — деёлмайди ҳам. Бугун нима йўқ — ҳамма нарса бор. Тўй қилсак тонготоргача қиламиз, маслаҳату якуни икки-уч кунлаб давом этади.

Демак, гап бошқа ёқда — ўтган 70-80 йилларда нимандир топдигу, нимандир йўқотдик. Энди ўша йўқотганимизнинг таъсири ҳар қадамда — ишимизда ҳам, тижоратимизда ҳам сезиляпти. Уни топишга ҳам шошилмаяпмиз. Чунки, нима йўқотганимизни ҳам аниқлаб, тўла англаб етганимизча йўқда ҳали кўпчилигимиз.

**Ибодулла ЎСАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.**

*ХДП:ҳисобот -сайлов*

## МАСЪУЛИЯТ ВА ОНГЛИ ИНТИЗОМ

Намангач вилоят 2-«Агросаноатқурилиш» бирлашмаси идорасида партиямизнинг бошланғич ташкилоти тузилганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамияти кенг тарғиб қилинаётганлиги, бошланғич партия ташкилотининг меҳнат жамоаси аъзоларини ижтимоий муҳофазалаш масалаларида бевосита иштироки, партиялиларнинг вилоятда кенг кўламда олиб борилаётган қурилиш ишларидаги ўрни ва ҳиссаси, ташаббускорлиги туфайли бу ерда унинг обрў-эътибори тез ўсиб борди. Бу ҳақда ҳисобот маърузасида батафсил айтиб ўтилди. Музокарада қатнашганлар бошланғич партия ташкилоти котиби, хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис А. Хисматуллин фаолиятига баҳо берар эканлар, ўз ташкилотларининг яхшигина салоҳиятга эгалигини, олдинда долзарб вазифалар турганлигини, уларни бажариш учун биринчи галда ХДП аъзоларидан масъулият ва онгли интизом талаб қилинишини таъкидладилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Наманган шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Йўлчибоев, Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши биринчи котиби А. Умаров қатнашдилар.

## МАҲАЛЛА — АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

Жиззах шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласи ҳудудий партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишиқўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Халқимиз: «Маҳалланг отанг-онанг», деб бежиз айтмаган, — деди ўз-маърузасида ҳудудий партия такшилоти котибаси А. Очилова. — Ташкилотимиз дастлабки кунларданоқ маҳалла ёшларини халқимизнинг энг яхши анъаналари ва урф-одатлари руҳида тарбиялашга, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга алоҳида эътибор бериб келаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига сайловлар, юртбошимизнинг Президентлик ваколатлари муддатини узайтириш учун бўлган референдум маҳалла ҳудудий бошланғич партия ташкилоти учун жиддий синовга айланди. Бу ерда умумхалқ байрамлари ва тантаналари аҳиллик билан ўтказилади. Қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзиш — партия ташкилотининг доимий диққат марказида.

Маърузачи ҳамда сўзга чиққанлар котиб ва унинг ўринбосари фаолиятида камчиликлар борлигини кўрсатиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар.

Йиғилишда ХДП сафига янги аъзолар қабул қилинди, маҳалла ҳудудий партия ташкилотининг 1996 йилги иш режаси тасдиқланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши иккинчи котиби Қ. Сатторов иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### ЭСТОНИЯ ИККИ ВИЛОЯТ ҲУДУДЛАРИГА ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛМОҚДА

ТАЛЛИННН. Бу ерда Эстония билан Россия ҳукуматлари делегациялари ўртасида чегара масалалари бўйича музокараларнинг навбатдаги босқичи бошланди. Маълумки, ўзини урушгача бўлган республиканинг вориси дея эълон қилган бугунги Эстония Россия Федерациясидаги Ленинград ва Псков вилоятларининг маълум бир қисмига даъвогарлик қилмоқда. Мазкур ҳудуд 1920 йилдаги Тарту тинчлик шартномасига кўра Эстония таркибига киритилган, иккинчи жаҳон урушидан кейин яна Россия ихтиёрига ўтган эди. Эстония ҳукумати айни пайтдаги мавжуд чегарани «вақтинчалик назорат чизиғи» деб атайди.

Россия икки мамлакат ўртасида 1991 йили имзоланган давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисидаги шартномага таяниб, Тарту тинчлик шартномасини тан олмаяпти. Борис Ельцин Таллинда имзолаган мазкур ҳужжатда Россия Эстониянинг мустақиллигини ҳозирги мавжуд чегараларда тан олган.

### УСТОЗИ БУЙРУҒИГА БИНОАН ҚУРОЛЛАНИШ ТОКИО.

**Японияниинг «Аум синрикио» секцаси ўз олий устози Сиоко Асахаранинг буйруғига биноан сунъий қиёмат кунини уюштириш мақсадида мингдан ортиқ автомат ва миллиондан зиёд ўқ-дори тайёрлашни режалаштирган. Улар, шунингдек, Россиянинг Қалашников автоматлари ва АҚШ армияси ракеталарини ҳам харид қилганлар. Япония марказий газеталари мамлакат қидирув органлари хулосаларига таяниб, ана шу ҳақда турқум мақолалар чоп этди.**

### ТЎФОН ВА ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

ХАНОЙ. Октябрь ойида Марказий Вьетнамда рўй берган уч тўфон ва ундан сўнг ёққан кучли тошқин натижасида 137 киши ҳалок бўлди, 46 киши бедарак йўқолди ва қарийб 200 киши жароҳатланди. Сув тошқинини назорат қилиш бўйича миллий қўмита Вьетнам пойтахтида ўтказган матбуот конференциясида журналистларга шу ҳақда маълум қилинди. Аниқланишича, табиий офат натижасида 8 мингдан зиёд уй-жой бутунлай яроқсиз бўлиб қолган. Қарийб чорак миллионта иншоотга зарар етган. Тахминан 100 минг гектар қишлоқ хўжалик экинлари нобуд бўлган.

### МАМЛАКАТДА ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР

**ТЕҲРОН. Эронда шаҳар кўчаларида ҳаракатланиш учун велосипеддан фойдаланишни тарғиб этиш юзасидан кампания бошланди. Мамлакат ҳаётида анъанавий тус ола бошлаган яна бир янгилик Имом Ҳумайний хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилмоқда. Бу жамғарма аҳолига турли тўй-ҳашамларни ўтказишга кўмаклашаётир. Ўтган душанба куни жамғарма кўмагида мамлакатда 12 мингта тўй-ҳашам ўтказилди.**

### ЭЛЧИЛАР ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ

ЛАГОС. Нигерия АҚШ, Жанубий Африка Республикаси ва Европа иттифоқига аъзо бўлган 15 мамлакатдан ўз элчиларини чақириб олди. Бу ҳаракат Нигерия ҳарбий ҳукуматининг 9 нафар инсон ҳуқуқлари ҳимоячисини қатл қилганига нисбатан Ғарб мамлакатлари қўллаган чорага жавоб тариқасида ўтказилди.

### БИНО ЯҚИНИДА ПОРТЛАШ

**АЛ-ҚУВАЙТ. Яқинда Америка Қўшма Штатларининг Саудия Арабистони пойтахтидаги ҳарбий миссияси биноси яқинида рўй берган портлаш оқибатида беш америкалик ва бир филиппинлик ҳалок бўлди. Жароҳатланган 60 кишидан 30 таси ҳам АҚШ фуқароларидир. Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазирлиги баёнотига қараганда, яраланганларнинг талай қисми ғоят оғир аҳволда.**

**(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).**



# ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"Абу Али ибн Сино ва табобат" фирмаси Сизларга 20 дан ортиқ хорижий фармацевтика фирмаларидан келтирилган 400 турдаги энг сифатли ҳамда арзон дори-дармонларни

**ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, қонтомир, жигар, буйрак, астма ва асаб касалликларини даволашга қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса фирмамизга мурожаат қилинг!

Юрак хасталикларига — сустак, нитронг ва уларнинг барча турлари, тери касалликларига — целестодермнинг барча турлари, ошқозон-ичак хасталикларига — гастроцепин, фосфалугель, вентер, зонтак дорилари, қувватга киргизувчи витаминлар — пиковит, таксофит, астма касалликларига — беротек, берадуал каби дориларни ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни харид қилишингиз мумкин.

Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

*Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-А уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).*
*Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.*
*Факс: 40-48-53.*

**Сизларга ҳар доим соғлик, туман бойлик тилаймиз!**



# ДИҚҚАТ: КИМ ОШДИ САВДОСИ!

## 1995 йил 30 ноябрь куни

***Тошкент универсал кўчмас мулк биржасида навбатдаги ким ошди савдоси бўлиб ўтади***

## САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Акмал Икромов тумани, «Изза» даҳасида жойлашган, якка тартибда қуриладиган даҳа.
Ер участкаларининг сони — 5 та (NN 3, 18, 22, 25, 27).
Ер майдони - 0,04 га.
**Бир дона ер участканинг бошланғич нархи — 65 минг сўм.**
Ер участкаси умрбод эгалик қилиш учун берилади.

2. Акмал Икромов тумани, Лутфий кўчасида жойлашган, якка тартибда қуриладиган даҳа.
Ер участкаларининг сони — 4 та (NN 1, 2, 3, 4).
Ер майдони — 0,04 га.
**Бир дона ер участкасининг бошланғич нархи — 80 минг сўм.**
Ер участкаси умрбод эгалик қилиш учун берилади.

3. Акмал Икромов тумани, Ҳ. Турсунқулов кўчасида жойлашган, якка тартибда қуриладиган даҳа.
Ер участкаларининг сони — 4 та (NN 1, 2, 3, 4).
Ер майдони — 0,04га.
**Бир дона ер участкасининг бошланғич нархи — 80 минг сўм.**
Ер участкаси умрбод эгалик қилиш учун берилади.

4. Акмал Икромов тумани, Гулистон ва Алгоритм кўчаларининг кесишган жойида жойлашган, якка тартибда қуриладиган даҳа.
Ер участкаларининг сони — 4 та (NN 1, 2, 3, 4).
Ер майдони — 0,04 га.
**Бир дона ер участкасининг бошланғич нархи — 65 минг сўм.**
Ер участкаси умрбод эгалик қилиш учун берилади.

5. Шайҳонтоҳур тумани Ц-15, 9 уйда жойлашган «Нурафшон» кафесининг биноси.
Умумий майдони — 503,0 кв. м.
**Бошланғич нархи — 3 500 000 сўм.**

6. Ҳамза тумани, Слонима кўчаси, 3-уйда жойлашган «Адибахон» жамоа корхонасининг биноси.
Умумий майдони — 590 кв. м.
**Бошланғич нархи — 1 821 220 сўм.**

7. Мирзо Улуғбек тумани, Ж. Обидова кўчаси, 298-уйда жойлашган ижара ҳисобидаги «Ҳусайни» дўконининг биноси.
Умумий майдони — 220,5 кв. м.
**Бошланғич нархи — 623 331 сўм.**

8. Юнусобод тумани, Новомосковская кўчаси, 42/2 уйда жойлашган «Ўзбексельмаш» заводи ётоқхонасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қаватлари.
**Бошланғич нархи — 6 000 000 сўм.**

9. Юнусобод тумани, А. Темур кўчаси, 1 «А» уйда жойлашган «Ойбек» КТПП нинг биноси.
Умумий майдони — 121,98 кв. м.
**Бошланғич нархи — 1 201 070 сўм.**

10. Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4-уйда жойлашган «Само» АТТД нинг биноси.
Умумий майдони — 557, 0 кв. м.
**Бошланғич нархи — 3 042 070 сўм.**

11. Акмал Икромов тумани, «Ўрикзор» мавзесидаги қурилиши тугалланмаган 12-сонли коттеж.
Умумий майдони — 402,5 кв. м.
**Бошланғич нархи — 1 300 000 сўм.**
Ер майдони — 600 кв. м. умумий тартиб бўйича фойдаланишга берилади.

12. Қурилиши тугалланмаган ҳажм блокли уй-жой қурилиш базасининг биноси.
**Бошланғич нархи — 19 772 360 сўм.**

13. Миробод тумани, Нукус кўчасида жойлашган акционер жамоасининг кўприксимон крани.
**Бошланғич нархи — 1 178 272 сўм.**

14. Миробод тумани, Нукус кўчасида жойлашган акционер жамоасининг козловой крани.
**Бошланғич нархи — 6 000 000 сўм.**

15. Қўриқлаш бошқармасига қарашли «Днепр-16» маркали мотоцикл. Давлат номер рақами 34-06 ТНА.
**Бошланғич нархи — 16770 сўм.**

16. Қўриқлаш бошқармасига қарашли «Днепр-16» маркали мотоцикл. Давлат номер рақами 34-22 ТНА.
**Бошланғич нархи — 1 419 0 сўм.**

17. Қўриқлаш бошқармасига қарашли «Днепр-11» маркали мотоцикл. Давлат номер рақами 37-34 ТНА.
**Бошланғич нархи — 3 225,0 сўм.**

18. Қўриқлаш бошқармасига қарашли «Днепр-11» маркали мотоцикл. Давлат номер рақами 71-11 ТНА.
**Бошланғич нархи — 1 677,0 сўм.**

*Ким ошди савдосида юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Тўлов шакли турли йўллар билан амалга оширилади. Ер участкалари бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади.*

***ШОШИЛИНГ, БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ!***

**Манзилимиз:**
**Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13, 1-қават, 1-хона.**
**Телефонлар: 44-53-77, 44-53-68.**



РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА КИТОБ САВДОСИ ТАРМОҚЛАРИ

**ДИҚҚАТИГА!**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТМОҚДА ВА УЛАРГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

I. "ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ" (2 жилдлик). Безаклари рангли, биринчи жилди нашрдан чиқмоқда. Иккинчи жилди келгуси йил чоп этилади. Биринчи жилднинг тахминий нашриёт баҳоси 30 сўм, иккинчи жилди — 40 сўм.

II. "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" ( ўзбек, форс, рус ва инглиз тилларида). Китоб 1996 йил чоп этилади. Тахминий нашриёт баҳоси 100 сўм.

III. "ОЛТИН ВОДИЙ ЭРТАКЛАРИ". Болаларга мўлжалланган ва нашрдан чиққан, безаклари рангли бу китобнинг нашриёт баҳоси — 14 сўм.

Шунингдек, нашриёт юридик ва жисмоний шахслардан бошқа китоб ва турли матбаа маҳсулотларини нашр этишга тайёрлаш бўйича чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: 700129, Тошкент ш. Навоий, 30.
Тел: 44-22-53, 44-12-61, 44-17-59.



# ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сизлар учун 1995 йил 22-25 ноябрь кунлари «Молдова ҳамкорликка чорлайди» кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада ультратовуш цофоктоскоплар ҳамда қалинлик ўлчагичлар, совутгич-иситгич машиналари, совутгичлар, музлатгичлар, кир ювиш машиналари, маиший насос қурилмалари, электрон-ҳисоблаш техникаси, телевизор, телефон, самовар, мебель, қурилиш фурнитуралари, кийим, пойабзал, гиламлар, чарм маҳсулотлари, сабзавот консервалари, атторлик ва пардоз буюмлари ва бошқа нарсалар намойиш қилинади.

***Сизларни ҳар куни соат 10 дан 17 гача кутамиз.***

**Манзилимиз:**
**Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107-уй.**
**«Ўзэкспомарказ» 5-павильон.**
**Маълумот учун телефон: 34-45-45.**

**BRITISH CHEVENING SCHOLARSHIPS**

Funded by the British Foreign and Commonwealth Office and administered by the British Council

The object of the scheme is to provide outstanding Uzbek graduates with an opportunity to pursue in the United Kingdom a course of postgraduate studies relevant to their own career development and to Uzbekistan. The ideal candidate might be under the age of 30 with an excellent academic record. Good English is essential.

**What is the Deadline?**

The recruitment programme for 1996 starts now. Section will be completed and scholarships awarded by March 1996. We strongly recommend that applications are made as early as possible. The earlier your application is received the greater your chance for consideration of an award.

**Are there any Preferred Subjects?**

We are particulary interested in areas such as Business Administration, Political Sciences, Media Communications and Journalism, Economics, Information Sciences, Tourism, Agriculture, Pure and Applied Sciences, Computer Technology and Engineering.

**What length of study and course types are eligible?**

These scholarships are available for postgraduate study from three months to one year. Full PhD programmes are not covered.

Prospective candidates should collect application forms in person before 30 November 1995 from Ms. Dorothy Bond British Council Project Room language Training Centre Tashkent (2nd floor), Navoi Str., 48, Tashkent (Chorsu) who will be conducting preliminary interviews and issuing forms from 4 p.m.-6 p.m., Monday-Friday between 15-30 November.

**Tel. 42-29-97.**

# "ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

**ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

*сўмда пул ўтказиш йўли билан*

Тошкентдаги омбордан турли модификацияли *МАЗ* туркумидаги автомобилларни, *МТЗ* экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: *Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М* двигателларини ва уларнинг ёнилғи қурилмаларини

**СОТАДИ.**

Нархлари завод баҳосидан арзон.

*Манзил:* Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси,140-уй.

**Алоқа учун телефонлар:**
(3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11,54-62-43, 54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!



Даврон

"ДАВРОН" ЖАМОА САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ **ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

**Эркаклар учун**
- Покистонда ишлаб чиқарилган турли ўлчамдаги жинси шимлар;
- Эронда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари;
- Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган чармдан тайёрланган оёқ кийимлари;
- Чармдан тайёрланган мавсумбоп куртка ва пальтолар;
- Эркаклар пайпоқлари.

**Аёллар учун**
- Голландия ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган турли-туман кийим-кечаклар;
- Германия, АҚШ мамлакатларида ишлаб чиқарилган турли хил атир-упалар, кремлар, соч бўёқлари, соч ювиш воситалари, лаб ва қўл бўёқлари;
- Покистонда ишлаб чиқарилган ранг-баранг газламалар.

**Болалар учун**
- Покистонда ишлаб чиқарилган жинси шимлар;
- Турли ёшдаги қизалоқларнинг бежирим кийим-кечаклари.

Шунингдек, Эрондан келтирилган сирка, лимон шарбати, майонез, турли хилдаги қандолат маҳсулотлари ҳамда печеньелар, салқин ичимликлар.

Мана шулар билан бир қаторда Швейцарияда ишлаб чиқарилган эркаклар ҳамда аёллар қўл соатлари, ундан ташқари, хорижий фармацевтика фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни ҳам

**ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.**

Барча турдаги маҳсулотлар учун тўлов усули турлича.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчасидаги савдо растаси, "Даврон" дўкони. Мўлжал: Ҳамза номли театр биноси рўпараси.

**Телефонлар: 44-52-88, 44-65-63. Факс: 44-65-71.**



**АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан "Ўқувчи" номли янги омонат турини ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

**"Ўқувчи" омонати — бу фарзандларингиз учун ажойиб совғадир!**

"ЎҚУВЧИ" омонати бу:

- *миқдори камида 10 сўм бўлган,*
- *йилига 60 фоиз даромад тўланадиган,*
- *нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган,*
- *юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказилиш имкониятини берувчи омонат туридир.*
- *"Ўқувчи" омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.*
- *"Ўқувчи" омонати 12-18 ёшдаги ёшлар омонатидир!*

ХАЛҚ БАНКИ СИЗНИ КУТАДИ.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРУВИ



# Ташкилот Янги йил совғаларини

**(Исроилдан келтирилган) пул ўтказиш йўли билан улгуржи сотмоқда. Ҳар юзинчи совға-бепул!**

Манзил: **Тошкент, Нукус кўчаси, 57-уй, 29-офис.**
**Телефон (3712) 54-77-17**



**Иностранная компания**

приглашает

***профессионалов***

для работы в службе охраны на золоторудном комбинате в **Таджикистане.**

**Требуются:**

1. 4 супервизора (ранг не ниже капитана, должны хорошо владеть английским языком).
2. 6 командиров отделений (прапорщики, младший офицерский состав, начальное знание английского языка).
3. 40 охранников (демобилизованные из армии граждане, знание английского предпочтительно).

**Обрашаться по телефону: 68-16-11.**



"ЎЗКИМЁСАНОАТ" *ассоциацияси*

**"КИМЁ"** *савдо уйи*

Жамоа ва фермер хўжаликлари, савдо ташкилотлари ҳамда муассасаларга

- *азот-фосфор ўғитлари,*
- *кир ювиш ва тозалаш воситалари,*
- *парфюмерия, косметика маҳсулотлари,*
- *пластмасса буюмлари,*
- *лак-бўёқлар,*
- *резина-техника маҳсулотлари,*
- *халқ истеъмол моллари*

ва бошқа ҳар хил кимё маҳсулотларини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Лоҳутий кўчаси 42.

Тел: 33-82-21.

# МЕҲР ТУТИБ ЯШАЙЛИК

Раҳматли энам қишлоқнинг доно қайнонаси эди. Ўзлариям мақолу-маталларга устаси фаранг эдилар. Ёзнинг сутдек ойдин кечасида, ишком тагидаги сўрида ўзига тенгқур аёллар билан узоқ суҳбат қуришар, қўғирчоқ ўйнаб ўтириб, уларнинг суҳбатини эшитиб қолардим. Бир куни энам қайсидир воқеани гапириб бўлиб, ёнидагиларга: «Кўрдингларми, қўл югуриги — ошга, тил югуриги — бошга» деб шуни айтадилар-да, ўргилайлар. «Қадим бир оғиз сўз билан бутун шаҳар вайрон бўлган экан», дедилар. Ўшанда болалик тасаввурим билан «наҳотки бир оғиз сўзга бутун бошли шаҳар бузилса» деб ажабланганман. Йиллар ўтиб, англадим: мақолу ривоятлар замирида катта ҳаёт ҳақиқатлари яширинган экан!

*Руҳият кўзгуси*

Яна, англадимки, кўнгиллар ўртасидаги кўприк — Сўзнинг қадр-қиммати беқиёс, куч-қудрати беиҳоя экан.

Айтилган бир оғиз сўз инсонни жар ёқасига етаклаши ва аксинча қайтариши ҳам мумкин. Яхши сўз. Ёмон сўз. Яхши сўз эзгуликларга йўл очса, ёмон сўз бошингга кулфатлар келтираркан. Шу ўринда энам ҳам қайта-қайта айтарди: «Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор...»

Яқинда таҳририятга — бир аёл мени йўқлаб келди. Бошидан ўтган бир «савдо»ни гапириб берди:

— Биласизми, опажон, қадим ўйламай гапириб қўйгани учун ўлимга ҳукм этилган бир йигит дор тагига борганда, арқонни бўйнидан чиқариб, «мени тилимдан осинглар, мени шу ерга етаклаган тилимдир» деган экан. Мен ҳам бир оғиз сўзни ўйламай айтиб қўйиб, азобини тортиб юрибман. Барибир, энди кеч... (Аёл йиғлаб юборди!) Эрим билан орамиз сал бузилиб қолди. Мен енгиллик қилиб уч-тўртта кийимимни тугдим-да, уйга жўнавордим. Ахир, онамнинг эрка қизиман, турмуш қийинчиликларига чидамадим. Эрим бир-икки келди, рўйхуш бермадим. Бир куни отаси билан келди. «Менга сенинг бир оғиз сўзинг керак, — деди эрим. — Мана, отам гувоҳ. Бу ерга қатнайвериб, элу юртдан уятга қолдим. Ахир, сени уриб-сўкмаган бўлсам. Айт, мен билан кетасанми ё...» Унинг қаттиқ-қаттиқ гапиргани негадир ғашимга тегди. (Менга ота-онам ҳеч қаттиқ гапирмагандида) Яна эркалигим тутдими ё бошқа сабаб биланми, хуллас, «Йўқ, кетмайман!» дедим. Ота-бола индамасдан чиқиб кетишди. Орадан бир ойча вақт ўтди, Бир куни эшитдим — эрим уйланибди. Ўшандан бери қон йиғлайман, опа. Ўрнига тушмайди. Нега ўшанда кета қолмадим! Ахир, эрим ёмон одам эмасди-ку. Нега шундай қилдим?..

«Нега»ларга жавоб топиш ҳамма вақт осон кечмайди. Шу «нега»лар баъзи кишилар қалбида битмас жароҳатга айланган. Аслида, умрнинг ўзи ҳам савол аломатига ўхшайди. Яшайсану, нега яшаётганингни билмайсан. Эътиқоднинг қўрғони қанчалик мустаҳкам бўлмасин, гоҳо ўзинг истамаган ишларга бош қўшасан, феълингга ёт сўзларни тилга оласан. Сўнг ўз-ўзингга «нега шундай қилдим?!» дейсан...

Руҳиятимиз иқлимида меҳрнинг, мурувватнинг сарҳадлари кенг. Зеро, инсон умр бўйи ана шу сарҳадларга интилиб яшайди. Ундан ўзига паноҳ, ҳимоя қидиради. Топса, ўз йўлидан адашмай, олдга қараб бораверади. Топмаса-чи? Кўнгли синади, руҳи чўкади, ҳаётда орқага кетади. Токи, яратганнинг ўзи инсонни шундай тушкунлик балосидан асрасин! Алхусус, ўзгалар томонидан тутилган меҳр шарбатини симирарканмиз, вужудимиз лаззат олади, юрагимизга куч-қувват инади, қаддимиз кўтарилади. Лекин, баъзида ... қудуқ ёнида туриб сувга зор бўлган каби одамлар орасида яшаб меҳр-муҳаббатга ташна бўламиз. Ахир, қалб—уммон, меҳр унда бир оламча-ку! Нечун бир-биримиздан меҳримизни дариғ тутамиз?!

***

Узоқ йиллар фарзандсиз яшадик. Бундай йилларда ўзгалар томонидан сенга айтилмаган гап, юрагингга отилмаган тош қолмайди. Чидайсан, чидайверасан. Бир куни қўшнимизнинг ўғли копток ўйнаб, деразамиз ойнасини синдириб қўйди. «Бу ерда ўйнамай, анави очиқ майдонга борсанг бўлмайдими?» деб қойидим уни, синган ойналарни териб оларканман. Бола ўзини айбдор санаб, ҳижолат бўлди. Шунда қаердандир боланинг онаси — қўшним пайдо бўлди. Ва жонҳолатда менга бақира кетди:

— Ҳой, нега болани уришасан?! Сен ўзинг аввал шунақа болалардан икки-учтасини ўстириб қўй, кейин кимни хоҳласанг, ўшани қойигин, билдингми?!

Аёл жавраб-жавраб чиқиб кетди. Юрагим музлади. Тош қотганча туриб қолдим. Дераза ойнасининг синиқларини-ку бир амаллаб йиғиб-тозалаб олдим. Лекин кўнгил ойнасининг синиқларини-чи... Йиллар ўтса-да, териб-тозалаб териб ташлай олмадим!

«Умр ўзи қисқа эди, қисқартирдик уни янада» деган бир ўтли сатр бор. Биз яшар эканмиз, бир-бировимизга ғанимат эканлигимизни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бирор киши ҳақида айтилаётган ғийбату бўҳтонларга жимгина туриб қулоқ солаверамиз. Гарчи ўша инсоннинг ноҳақлигини билиб турсак-да, бошидан «мағзава» ағдарилаётган бир бечорани ўзи ҳақидаги ғийбатдан ҳимоя қила олмаймиз.

***

У уйидан шитоб билан чиқиб кетди. Хотини худди жанжални туш кўриб чиққандек, ҳар куни эрталаб арзимаган нарсага ғидибиди бошлайди. Бугун ҳам шундай бўлди. У жанжалдан тезроқ қутулиш учун нонушта ҳам қилмасдан ишга жўнади.

— Мана бу ерга ўтириб олинг, — деди ёшгина қизча унга автобусда жой бўшатиб.

— Ўғлим, тобингиз йўққа ўхшайди, мана шу дорини ичиб олинг, — деди яна бир киши унинг елкасига қоқиб.

— Чарчаган кўринасиз, дам олиш керак бўлса таътил берайлик, айтинг. Кўзларингиз жуда ҳорғин, — деди бошлиқ унга мулойим кулиб.

— Йўқ, ҳаммаси жойида, — деди у бирданига енгил тортиб. Атрофида шунча яхши кишилар борлигидан қувониб кетди...

«Яхшилик ҳеч вақт ерда қолмайди. Сен бировга бирни берсанг, Оллоҳ сенга ўнни беради!» Одамлар ўртасидаги меҳру оқибат, инсофу диёнат, ҳайру саховат ва ишончу садоқат ҳаётни гўзаллаштириб, инсон умрига мазмун берувчи фазилатлардир. Умр эса ўлчовли. Яхшими, ёмонми, инсон барибир шу умрни яшаб ўтади. Унинг кимгадир айтган яхши сўзи, кимгадир қилган яхшилиги ўзидан кейин ҳам яшаб қолади. Инсонни беҳисоб унвону мукофотлардан ҳам кўра, «яхши» деган номнинг ўзи юксакларга кўтаради. Биз ана шу юксаклик сари шошилайлик, азизлар. Меҳримизни бир-биримиздан дариғ тутмайлик. Зеро, инсон шунга интилади. Ҳаётнинг гўзаллиги ҳам шунда. БИР-БИРИМИЗДАН МЕҲР КУТИБ, БИР-БИРИМИЗГА МЕҲР ТУТИБ ЯШАЙЛИК.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

# ПОЛИЗ НЕГА ПАЙҲОН?

***«Яхши ният билан уруғ қадаган эдик. Ҳосил чўғи ёмон бўлмади. Қовун-тарвузларимиз дум бериб қолганини кўриб, ҳосилни йиғиштириш тараддудида турган эдик. Афсуски, полизга бориб ҳайратдан ёқамизни ушладик. Ҳаммаёқ пайҳон қилинган, қовун-тарвузлар ёрилган эди. Ҳатто, худо кўрсатмасин, қасд қилган киши ҳам бунақа «иш» бажара олмасов. Суриштириб билсак, бу тунги тартиббузарлар—тўнғизларнинг ҳолис хизмати экан. Ўзига хос бундай офат билан курашишнинг йўли борми?»***

**БОЙМУРОДОВлар оиласи,**
**Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани.**

Айни пишиқчилик кунларида, кўпроқ куз ойларида етиштирилган сабзавот ва полиз майдонида ана шундай ҳолатлар юз бериб туради. Бунинг сабабларини билиш учун жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассисларига мурожаат қилди.

— Табиатдаги бундай қутилмаган ҳолатни бартараф этиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқдамиз, — дейди шу қўмитанинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсидан расамади билан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш тезкор бошқармасининг бошлиғи А. Отажонов. — Дарвоқе, картошказорлар, кечки сабзи экилган майдон ҳамда полизда ноз-неъматлар айни етилган пайтда тўнғизлар подаси насиба излаб хўжаликларга катта зиён келтиради. Айни пайтда ёввойи ҳайвонлар қатори қушлар галаси ҳам деҳқончилик ишларига путур етказиши мумкин. Маълумки, қушлар узумзорларга катта зарар келтиради. Далаларга уруғ сочилган пайтда эса қанотли еб тўймаслар деҳқоннинг ҳафсаласини пир қилади. Бундай нохушликнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли вақтида ов уюштириш. Овчиликнинг қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ишнинг ташкилий томонига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Юртимизда овчилик ва балиқ овлашнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ олдиндан берилган аризаларга кўра чумчуқларни шоли майдонида июнь ойидан бошлаб ноябрь ойининг охиригача отишга рухсат этилади. Шунингдек, юмронқозиқ каби кемирувчиларга ҳам қарши курашиш керак. 15 июлдан бошлаб овлаш рухсатномаси бўлган овчиларгагина ижозат этилади. Шунинг учун бундай овга мерганлар алоҳида тайёргарлик кўрадилар.

Одатда тўнғизлар қалин ўт босган, пастак дарахтзорлар, қамишзор ва сувга яқин жойларни хуш кўрадилар. Ўлкамиз шароитида тўнғизлар кўпроқ Амударё ва Сирдарё соҳилларидаги тўқайлар ҳамда тоғ қияликларида кўпроқ учрайди. Улар оқшом қўниши ва саҳар чоғида емиш излаб изғийдилар. Албатта, бундай ҳайвонлар ўсимликлар, баъзи мева ва илдизлар билан озиқланишга интилишади. Шунинг учунми улар ғаллазору шолипоялар, қовун-тарвуз, картошка, нўхот, жўҳори ва мева айни етилган бир пайтда полиз, боғ ва далаларда «иш» кўрсатадилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қўлига милтиқ олган овчи деҳқонга мадад бериш билан бир қаторда табиатдаги мувозанатни бузмасликка, мутаносибликни сақлашга ҳаракат қилади. Чуғурчуқлар, қарғалар, дайди ит-у мушуклар, бўрилар ҳам назардан четда қолмайди. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни бойитиш, ўлкамизнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан фахрланиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини унутмай ўзига хос хўжалик тартибга солиб турилади. Шаҳарлардан бир километр, қўрғонлардан 500 ва бошқа аҳоли истиқомат манзилларидан 300 метр масофадан ташқаридагина овлашга рухсатнома берилади.

**Маҳсит МАҲМУТОВ.**

*Спорт*

# ЖАСОРАТ, ИРОДА, ҒАЛАБА

**· КУНИ кеча Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигида матбуот конференцияси ўтказилди. Йиғилишда халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ўтказилаётган республика спартакиадаси хусусида мулоҳаза юритилди.**

Республика ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоқов истиқлол юртимизда ногиронларга алоҳида эътибор қилинаётгани, уларнинг кўнглини овлаб маънавий ва моддий мадад бериб турилгани ҳақида сўзлади. Ногиронлар ўртасида илк марта республика спартакиадасининг ўтказилиши ҳам уларга бўлган эътибордан нишонадир. Юртимизда уруш ва туғма ногиронлар, мақсадсиз афғон урушида жароҳатланганлар кўпчиликни ташкил этади. Лекин ногиронлар ҳамиша сафда бўлишга, ўз имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, ногирон спортчиларнинг халқаро миқёсда эришаётган ютуқлари ҳам диққатга сазовор. Жумладан, футбол, шахмат ва мотопойга бўйича кўрсатилган натижалар жаҳон спорт жамоатчилигининг эътиборини қозонган.

Ногиронлар республика спартакиадасига атаб 100 минг сўм ажратилгани айни муддао бўлди. Мусобақалар ўтказиладиган майдонларни ҳозирлаш, транспорт хизмати кўрсатиш ва бепул овқатлантириш каби юмушларни амалга ошириш учун имконият яратилди. Спартакиада баҳслари кеча бошланди.

Мусобақани эса Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, республика Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда республика Спорт қўмитаси ҳамкорликда ташкил этди. Мини-футбол, оғир атлетика, шахматшашка турлари бўйича баҳслар бўлади. Республика вилоятларидан тўпланган 200 дан ортиқ спортчи ғолиблик учун курашади. 18 ноябрь куни мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлади. Бу маросимни ўзига хос байрамга айлантириш мақсадида «Туркистон» саройи танланди. Бу ерда ғолибларни шарафлаш ва мукофотлаш билан бир қаторда катта концерт намойиш этилади.

## СЎНГГИ УЧРАШУВЛАР

**· ЮРТИМИЗДА футбол мавсуми якунланай деб қолди. 19 ноябрь куни Ўзбекистон кубоги учун финал учрашуви ўтказилади.**

«Пахтакор» ўйингоҳида мухлислар «Навбаҳор» ва МҲСК жамоалари ўртасидаги учрашувни томоша қиладилар. Олий лига жамоаларининг кечиктирилган ўйинларидан бири «Янгиер» ва «Темирйўлчи» ўртасида бўлиб ўтди. «Сўғдиёна»—«Янгиер» учрашувида 2:1 ҳисоби қайд этилди. Биринчи лига жамоалари ҳам 1 — 12 ўринлар учун баҳсни ниҳоясига етказишди. Урганч динамочилари «Ғазалкент» (3:1) ва «Маданият» (6:1) футболчиларини енгиб, 50 та очко билан чемпион бўлишди.

## ПАРИЖЛИК РАССОМ ҚИЗ ТОШКЕНТДА

**Одатда мустақил Ўзбекистонимизга турли ишбилармонлар, тадбиркорлар ташриф буюришади. Лекин бу гал Ватанимизга франциялик рассом қиз ташриф буюрди. Бу албатта мамлакатимизга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганидан далолатдир. Марико Нанкуэттэ бадиий мактабда таълим олади, шу билан бирга меъморлик устахонасида ишлайди. Рассом қиз Ўзбекистонга таътил пайти келди. У Тошкентда бироз бўлгандан сўнг Самарқанд ва Бухоро сингари қадимий шаҳарларни зиёрат қилди.**

**Суратда: Марико Нанкуэттэ ўз таассуротларини қоғозга туширмоқда.**

**Рустам ШАҒАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Ий-е, йўғ-е, наҳотки?!*

## ЖОНИВОРЛАР РЕКОРДИ

**Энг кичик ўргимчак бундан бир неча йил олдин Панамани-нинг тропик ўрмонларидан топилди. Унинг узунлиги атиги 0,8 миллиметр холос.**

***

**Дунёдаги энг жажжи қуш колибрининг «мелюзига минима» номли тури бўлиб, оғирлиги бор-йўғи икки грамм келади. Унинг узунлиги дум учидан тумшуғигача қадар 5 сантиметр.**

***

**Бундан бир неча йил олдин Брисбен (Австралия) шаҳрида дунёдаги энг қари ит ўлди. «Чилла» номли бу ит немис овчаркаси ва урғочи лабрадор зотидан туғилган бўлиб, 32 йил яшади. Эгаларининг айтишича, итнинг узоқ умр кўриш сири унинг картошка пўчоғи билан карам аралашмаси, тухум пўчоғи ва суяк қайнатилган шўрва билан боқилганида экан. Шуни айтиш керакки, ит учун 32 ёшга кириш одам 224 йил яшаши билан баравардир.**

***

**Сут эмизувчилар орасида энг серсути кит эканлигига шубҳа йўқ. Блюваль номли кит боласига ҳар куни 430 литр сут бериб боқади. Бу энг серсут сигирнинг кўрсаткичидан бир неча баравар ортикдир.**

## ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

**Кўк пиёз, шивит, кашнич ва райҳон совуқ сувда ювиб тозаланади, оштахтада майда қирқилади. Сўнгра 500 граммча сузмага солиб аралаштирилади. Устига зира туз ва мурч сепилади. Тайёр салат ликопчаларга тақсимланиб, юзи райҳон шохчалари билан безатилади.**

* * *

**Янги редиска ювилади ва кубик шаклида тўғралади. Сўнг унга майда қирқилган ошкўклар (шивит, кашнич, кўкпиёз) ҳамда қаймоқ қўшиб аралаштирилади.**

* * *

**200 гр қизил сабзи, 1 бош саримсоқ пиёз қирғичдан ўтказилади. Сўнг қаймоқ ёки майонезга аралаштирилади. Қарабсизки салат тайёр.**

**САВОЛ: Ёш қизалоғим жабрланувчи бўлиб қолди. Унинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**М. МАТКАРИМОВА,**
**Андижон вилояти.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 54- ва 55-моддаларида сизнинг саволларингизга жавоб топса бўлади.

Жиноят, шунингдек, , ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади, деб кўрсатилган.

Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса қуйидагилардир:

Кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; биринчи инстанция ва кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш, иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган.

***

**САВОЛ: Мени яқинда ИИБ ходимлари жиноят содир этганликда гумон қилиб ҳибсга олди. Қандай ҳуқуқларим борлигини билмоқчиман?**

**А. СИДИРОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Аввало шуни айтиш жоизки, ички ишлар ходимлари сизни бирор бир жиноят содир қилган деб топган тақдирда ҳам улар ҳибсга, яъни қамоққа олишга ҳаққи йўқ, фақат вақтинча ушлаб туриши мумкин.

Қамоққа олиш ёки олмасликни прокурор ҳал қилади

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 48-моддасида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тубандагича ёритиб берилган.

Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлангандан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишининг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш; она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор ёки ушлангаанлиги тўғрисидаги баённома унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугагандан сўнг у билан ҳоли учрашиш; ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга оид далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирон ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан сиз ҳам тўлиқ фойдаланишингиз мумкин.

**Муҳаммадали ТОШТЕМИРОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши ва Тошкент агрегат заводи бошланғич партия ташкилоти завод директорининг муовини Баҳодир Обидович Пайзиевга онаси **Руқия ПАЙЗИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллар университети маъмурияти, касаба уюшмаси таржимонлик факультети немис ва роман тиллари таржима назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси З. С. Усмоновага онаси **Муаззам Абдурасуловна ШАРИПОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимкул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).**

***БЎЛИМЛАР:***

**Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.**
**Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.**
**Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.**
**Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.**
**Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.**
**Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.**
**Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.**
**Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.**

*ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:*

*Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.*



**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

*· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0490.*

**Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.** *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* 1 2 3 4 5 6